# Роббим, тавбамни қабул қил!




01:40 / 23.12.2025    1300

???? ????? ???????? ?????? ????? ????????? ?????:

????? ?????????? ?????? ????? ???????? ????????

??????? ???????: ????? ???????? ????? ??????

???????? ???????????? ????? ???????? ????????

????????? ??? ????? ???????? ???????? ??????????

????????? ???????? ???? ???????????? ????? ????

????? ???????? ????? ?????????? ???? ??????????

???? ?????????? ???? ?????????? ???? ???????????

???? ?????????? ???????? ????????? ?????????

????? ????????? ?????????? ????????? ??????????

???????? ?????????? ????????? ?????????

????????? ????????? ??????? ???????? ?????????

????????? ???????. ??????? ??????????????

??????? ???????.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилганларида:**

**«Роббим, менга ёрдам бергин. Менга қарши ёрдам бермагин. Менга нусрат бергин. Менга қарши нусрат бермагин. Мен учун макр қилгин. Менга қарши макр қилмагин. Мени ҳидоят қилгин. Ҳидоятни менга осон қилгин. Менга тажовуз қилганга қарши нусрат бергин.**

**Роббим, мени Сенга кўп шукр қиладиган, кўп зикр қиладиган, Сендан кўп қўрқадиган, Сенга кўп итоат қиладиган, хушуъ қиладиган, кўп оҳ урадиган, тавба қиладиган қилгин.**

**Роббим, тавбамни қабул қилгин. Хатоимни ювгин. Дуоимни қабул қилгин. Ҳужжатимни собит қилгин. Тилимни тўғри қилгин. Қалбимни ҳидоят қилгин. Кўксимдаги ҳиқду ҳасадимни суғуриб олгин», дер эдилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу дуоларида ҳар бир банда кундалик ҳаётида дуч келиб турадиган вазиятларда фойдани жалб қилувчи ва зарарни даф қилувчи маъноларни айтиб, сўраш бор.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.